

**Корхона (ташкilot, муассаса ва юридик шахс)лар учун  
каттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**ШАРТНОМА № 8**

«28» 01 2022 йил

Булоқбоши тумани

Бизлар ким, биринчи томондан ўз Низомига асосланиб фаолият олиб бораётган Андижон вилояти “Булоқбоши Санитар тозалик” МЧЖ рахбари Д.Хамрабоева (келгусида «**Бажарувчи**» деб номланувчи) ва иккинчи томондан ўз Низомига асосан фаолиятини олиб бораётган Булоқбоши туман Мактабгача таълим бўлими номидан рахбар А.Айбешова (келгусида «**Буюртмачи**» деб номланувчи) лар куйидагилар тўғрисида ушбу икки томонлама шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1 «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**» тақдим қилган ёзма буюртма (наряд)га мувофиқ мавсумга қараб, корхона ҳудудидан чиққан маиший (каттик) чиқиндиларни тегишли жойга махсус транспорт воситаларида олиб кетиш хизматини бажаришни ўз зиммасига олади.
- 1.2 «**Бажарувчи**» бундан ташқари «**Буюртмачи**» билан шартноманинг ажралмас қисми бўлган “чиқиндиларни олиб кетиш жадвали” иловасида буюртма объекти, тури, манзили, олиб кетиш вақти, қатновлари тўлиқ кўрсатилиши шарт.
- 1.3 Ҳар ойнинг 3-кунига қадар “**Бажарувчи**” “**Буюртмачи**”га бажарилган ишлар юзасидан ҳисоб (счёт) тақдим этади солиштирма далолатнома тузилади ва унга ҳақ тўланади.

№	Бажарилган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Жами суммаси
1.	Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун	1 м. куб учун	16,3	36 600	596 580
2.					

**II. ШАРТНОМА БАҲОСИ**

- 2.1 Шартноманинг суммаси Беш юз туксон олти минг беш юз саксон сўмни ташкил қилади. Шу жумладан чорақлар ва ойлар бўйича маиший чиқиндилар буюртма миқдоари куйидагича тақсимланади:  
I-чорақда 16,3 М.куб январда 5,4 февралда 5,4 мартда 5,5  
II-чорақда \_\_\_\_\_ М.куб апрелда \_\_\_\_\_ майда \_\_\_\_\_ июнда \_\_\_\_\_  
III-чорақда \_\_\_\_\_ М.куб июлда \_\_\_\_\_ августда \_\_\_\_\_ сентябр \_\_\_\_\_  
IV-чорақда \_\_\_\_\_ М.куб октябрда \_\_\_\_\_ ноябрда \_\_\_\_\_ декабрда \_\_\_\_\_
- 2.2 Шартноманинг суммасига икки томон келишуви билан, кўшимча келишув билан ўзгартириш киритиш мумкин, бунда ҳақ келишувга асосан тўланади.

**III. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1 Буюртмадан ташқари кўзда тутилмаган кўшимча ишлар юз берган ҳолда, «**Буюртмачи**» кўшимча буюртма бериши мумкин.
- 3.2 «**Буюртмачи**» ҳар ойнинг 3 кунига қадар олинган ҳисобга (счёт) асосан тўлов амалга оширади. Иш жараёнида «**Буюртмачи**» техника, меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаши лозим.
- 3.3 «**Буюртмачи**» ўз ҳудудидаги каттик чиқиндиларни аралашиб кетишига йўл қўйилмаган ҳолда чиқиндилар паспортини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда унга ўзгартиришлар киритилганда ўз вақтида бажарувчига тақдим этади.

**IV. БАЖАРУВЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 4.1 «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**» томонидан тақдим этилган чиқиндилар паспортига асосан унинг ҳудудидан ёки аниқ белгиланган чиқинди шохобчасидан чиқиндини белгиланган вақтда олиб, чиқинди полигонига олиб чиқиб кетишни таъминлайди.
- 4.2 «**Буюртмачи**» ўз автотранспорт воситаси билан маиший чиқиндиларни “**Булоқбоши Санитар тозалик**” МЧЖ томонидан берилган руҳсатномага асосан бажарувчи балансида бўлган чиқинди ташлаш полигонига олиб бориб тўккан тақдирда тасдиқланган амалдаги нархномага асосан утилизация учун маблағ тўлайди.
- 4.3 «**Бажарувчи**» ҳар ойнинг 3-кунига қадар барча бажарилган ишлар ва расмийлаштирилган иш ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда ўз ходимини «**Буюртмачи**»га юбориб, у билан солиштирма далолатномасини тузади.

## V. ХИСОБ КИТОБЛАР

- 5.1 Буюртмачи бажарувчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 100 фоизи миқдорда аванс утказди.
- 5.2 Мазкур шартномада хизматларни бажарилиши, тўловларни амалга оширилиши ҳамда ҳисоб-китоблар муддатлари кўрсатиб ўтилатган ойлар - йиллик календарь ойлари билан бир хилда ҳисобланади. Йиллик календарь ойининг бошланиши шартноманинг янги ойини бошланишини белгилайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартномани бажариш бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув ва музокара орқали ҳал этилади.
- 6.2 Келишув ҳамда музокара йўли орқали ҳал этилмаган низолар Андижон вилоят Хўжалик Судида кўриб чиқилади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1 «**Буюртмачи**» шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги, кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз муддатида тўламаганлиги учун «**Бажарувчи**»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 7.2 «**Бажарувчи**» шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги, хизматлар кўрсатилмаганлиги учун «**Буюртмачи**»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмай қолган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслиги лозим.
- 7.3 Ушбу шартномада назарда тутилмаган низолар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Хўжалик Кодекслари ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бўйича жавобгар бўладилар.

## VIII. БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1 Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш, қўшимчалар киритиш иккала томоннинг ёзма розилигига асосан амалга оширилади.
- 8.2 Ишлатиладиган транспорт воситалари учун тўлов ҳақлари энергия ресурслари ва бошқа хом ашё ресурслар нархларининг ўзгариши ва иш ҳақи оширилиши муносабати билан амалдаги чиқинди учун тарифлар ўзгарганда, 10 кун ичида нархлар бўйича келишув баённомаси икки томонлама имзоланади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинади.
- 8.3 Шартнома бир томоннинг талабига асосан бекор қилинган тақдирда, иккинчи томоннинг қилган харажатлари ва зиёнлари (зарар) тўлиқ қопланиши керак.
- 8.4 Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга ва томонларда бир нусхадан сакланади.
- 8.5 Шартноманинг амал қилиш муддати томонлар имзоланган кундан бошлаб бир йил давомида кучда бўлади.
- 8.6 Иш жараёнида мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар иккала томоннинг розилиги билан киритилиши мумкин.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«**Б а ж а р у в ч и**»

«Булокбоши Санитар тозалик» МЧЖ

Манзил: Булокбоши туман

х/р:20208000705077280001

МФО 01079 ИНН:306423900

АТБ Қишлоққурилишбанк Хўжаобод филиали

Раҳбар:  Д.Хамрабоева

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_

«**Б у ю р т м а ч и**»

Ташкилот:Булокбоши т. МТБ

Манзили:Булокбоши т. Шохгузар МФЙ

ШХВ:100022860032107098602251002

ИНН: 305156799 ОКНХ:92400

Марказий банк Тошкент ХКМ

Р/с:23402000300100001010

МФО:00014

Раҳбар:  А.Айбешова



MFB

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ VT5517415332**

1. Loyihaning turi

**shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Xizmat ko'rsatish xaqida shartnoma.**

Andijon viloyati "Buloqboshi Sanitar tozalik" MCHJ raxbari D.Xamraboyeva (kelgusida «Bajaruvchi» deb nomlanuvchi) va ikkinchi tomondan o'z Nizomiga asosan faoliyatini olib borayotgan Bulokboshi tuman Maktabgacha ta'lim bulimi nomidan raxbar A.Aybeshova (kelgusida «Buyurtmachi» deb nomlanuvchi) lar "Bajaruvchi" "Buyurtmachi" taqdim qilgan yozma buyurtma (naryad)ga muvofiq mavsumga qarab, korxonah hududidan chiqqan maishiy (qattiq) chiqindilarni tegishli joyga maxsus transport vositalarida olib ketish xizmatini bajarishni o'z zimmasiga oladi, "Buyurtmachi" ko'rsatilgan xizmatlar uchun belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirish xaqida shartnoma tuzilgan.


3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Bulokboshi tuman Maktabgacha ta'lim bulimi 27.01.2022 yil.**

Loyiha: O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunchiligi talablariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2021 yil "28" yanvar.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**Sh.Abduraximov**